

Юртимизда 2023 йили энг кўп қўйилган исмлар



20:25 / 05 январь 2068

Ўтган йили 24 мингдан ортиқ қизалоққа Солиҳа деб, 27 мингдан ортиқ чақалоққа Муҳаммадали деб исм берилди. Бу исмлар сўнгги йилларда энг кўп қўйилаётган исмлар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Адлия вазирлиги 2023 йилда топ-ўнталикка кирган исмларни эълон қилди.

2023 йил давомида Ўзбекистон ФХДЎ органлари 968 минг 140 нафар чақалоқнинг туғилишини қайд этди. Улардан 501 577 нафари ўғил, 466 563 нафари эса қиз болалардир.

Адлия вазирлиги хабарига кўра, (<https://t.me/adliyangiliklari/11018>)

Муҳаммадали ва Солиҳа исмлари 2023 йилда ҳам энг кўп қўйилган исмлар рўйхатида биринчи бўлган.

Ўтган йили 27 431 нафар чақалоққа Муҳаммадали деб, 24 365 нафар қизалоққа Солиҳа деб исм берилган.

2023 йилда туғилган чақалоқларга энг кўп қўйилган исмлар ўнлиги:

Қиз болалар

- 1 Солиҳа – 24 365 нафар
- 2 Муслима – 15 918
- 3 Ясмينا – 19 911
- 4 Ҳадича – 10 759

- 5 Имона – 10 310
- 6 Шукрона – 9 330
- 7 Сумайя – 9 279
- 8 Ифора – 7 586
- 9 Саъдия – 6 639
- 10 Мубина – 6 585

Ўғил болалар

- 1 Муҳаммадали – 27 431 нафар
- 2 Мустафо – 22 880
- 3 Абдуллоҳ – 18 116
- 4 Муҳаммад – 17 025
- 5 Муҳаммадюсуф – 13 774
- 6 Муҳаммадамин – 12 450
- 7 Нурмуҳаммад – 9 017
- 8 Муҳаммаджон – 8 843
- 9 Имронбек – 8 591
- 10 Муҳаммадзиё – 8 135